



АСОСИЙ ХАВФ ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ

Миркамоллов Одилбек Отабек ўгли

ФВВ хузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти фавқулодда
вазиятлар симуляция маркази бошлиғи
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7483469>

ARTICLE INFO

Received: 14th December 2022

Accepted: 25th December 2022

Online: 26th December 2022

KEY WORDS

Фавқулодда вазиятлар,
табiiй хусусиятли
фавқулодда вазиятлар,
техноген хусусиятли
фавқулодда вазиятлар,
экология, терроризм, ОИТС,
мониторинг, башоратлаш,
кучли таъсир этувчи заҳарли
моддалар.

Дунё миқёсида глобал ўзгаришлар содир бўлиб турган бугунги кунда келажакда фавқулодда вазиятлар сони ортиб, кўлами кенгайиб бориши кузатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳам кўплаб турдаги фавқулодда вазиятлар содир бўлиши мумкин. Бундан ташқари иқтисодий, информацион ва технологик каби янги хавф турлари ҳам юзага чиқмоқда (1).

20 асрнинг охириги ўн йилликларида аввал учрамаган янги касалликлар, хусусан, Орттирилган имун танқислиги (ОИТС) юзага чиқди. Республикамиз учун характерли бўлган геморрагик лихорадка, куйдирги, қутуриш каби эпидемик жиҳатдан хавфли бўлган юқумли касалликларни бутунлай бартараф этишнинг имкони

ABSTRACT

Мақолада Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир бўлиши мумкин бўлган асосий хавф ва фавқулодда вазиятлар таҳлил қилиниб, фавқулодда вазиятларнинг башорати юзасидан алоҳида йўналишлар ажратиб кўрсатилган. Мақолада шунингдек, фавқулодда вазиятларга сабаб бўлувчи янги омиллар келтирилган.

бўлмади. Бундан ташқари наркотик моддалар энг кўп етиштириладиган мамлакатга қўшнилигимиз ҳам бу каби хавфларнинг кенг тарқалишига сабабчи бўлиши мумкин.

Республикамизда табiiй ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш учун фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими ташкил этилган. Ушбу тизим барча даражада ўз куч ва воситаларига эга бўлганлиги сабабли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, жабрланганларни қутқариш, фавқулодда вазият оқибатларини бартараф этиш бўйича катта ишларни амалга оширишга қодир. Ўтган давр мобайнида аҳоли ва ҳудудларни табiiй ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан



муҳофаза қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари, маълум талабларга жавоб берадиган мониторинг ва башоратлаш тизимлари, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишга мўлжалланган бошқарув органлари, куч ва воситалари тизими яратилди.

Шунга қарамай фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш ишларини такомиллаштириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолаверади. Бундай ҳолат эса биринчи навбатда фавқулодда вазиятларни башоратлашни талаб қилади.

Чет эл адабиётлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки 21 асрда технологик терроризм, яъни иқтисодиёт объектларида инсонларнинг қурбон бўлиши, атроф муҳитга зарар келтирувчи технологик жараён билан боғлиқ авариялар содир этилиши, қишлоқ хўжалиги терроризми, яъни бошқа давлатлардан қишлоқ хўжалиги зараркунандалари, дон маҳсулотлари ва картошкани зарарловчи замбуруғлар киритилиши мумкин. Ушбу масалага кўпчилик давлатлар алоҳида эътибор қаратишмоқда ва биологик воситалар қўлланилиши мумкин бўлган, дон маҳсулотлари етиштириладиган ҳудудларни ҳимоялаш чораларини кўришмоқда (4).

Террористик ҳаракатларнинг биологик, кимёвий ва бошқа турларидан ташқари сўнгги йилларда электромагнит терроризмга катта эътибор қаратилмоқда. Бундай турдаги терроризм бошқарув органлари, инфратузилма ва иқтисодиёт объектларининг техник тизимларига яширин таъсир кўрсатиши билан хавfli. Бугунги кунда информацион

тизимларнинг технологик имкониятлари ижтимоий турмуш тизимида, телекоммуникацияларда, энергетика, транспорт, газ ва нефт тармоқлари, молия ва банк тизими, сув таъминоти, вазирлик ва идораларнинг барқарор фаолият юритишини таъминлаб берувчи тизимларни забт этмоқда.

Америкалик экспертларнинг фикрича инфратузилмаларнинг энг нозик жойлари энергетика, телекоммуникация, авиация диспетчерлик тизими, электрон молия тизими, ҳукумат информацион тизими, автоматик бошқарув тизимлари ҳисобланади. Мисол учун, банк соҳасидаги информацион тизимнинг издан чиқиши кризисга сабаб бўлиши мумкин ва бу барча тизимларга алоқадор. Бир сўз билан айтганда келажакда терроризм энг хавfli муаммолардан бирига айланиши мумкин.

Хулоса қилиб шуни қайд этиш керакки, барча мамлакатлардаги мавжуд мониторинг тизимлари кузатув олиб бориш, башоратлаш бўйича тўлиқ имкониятларга эга эмас.

Бундай ҳолат башоратлаш тизимини такомиллаштириб боришни тақозо этади. Бунда башоратлаш тизими қуйидаги йўналишларда такомиллаштирилиши лозим (2,3).

1.Террористик хавfliларни башоратлаш. 20 аср улкан илмий-техник кашфиётлар билан, шу билан бирга яна бир “кашфиёт” терроризм билан тарихда қолади. Ҳар хил турдаги қуролларни пайдо бўлиши, уларнинг одамлар, ҳар хил гуруҳлар қўлида тўпланиши террористик ҳаракатлар сонининг ортишига хизмат қилади. Террористик



ҳаракатлар кўпуровчилик ҳаракатларига айланиб кетади ва бунда кўплаб тинч аҳоли зарар кўради.

2. Техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларни башоратлаш.

Техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг юзага келиши мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши билан бевосита узвий боғлиқ ҳолда кечади.

Келажакда мамлакатимизда техноген хусусиятли фавқулодда фавқулодда вазиятлар сонининг ортишини башорат қилиш мумкин. Чунки, ҳозирги кунда мамлакатимиз шундай босқичга кирдики, барча соҳаларда ишлаб чиқариш жараёнлари кучаймоқда, янги ишлаб чиқариш объектлари қурилмоқда. Маълумки, ишлаб чиқариш объектлари ва хизмат кўрсатиш инфратузилмаларининг сони билан техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар сони ўртасида параллел мавжуд.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, келажакда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар миқдори ортиши ва шу билан бирга фавқулодда вазиятлар ривожидан инсон омили кам миқдорни ташкил қилиши мумкин. Чунки, қуриладиган ишлаб чиқариш ва инфратузилма объектлари қанчалик замонавий бўлса, ушбу объектда ишлаб чиқариш жараёнларини бошқарадиган ходимларнинг малакаси шунча юқори бўлади [5].

3. Табиий хусусиятли фавқулодда вазиятларни башоратлаш.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрига кўра келажакда табиий хусусиятли фавқулодда вазиятлар сони ҳам ортади. Ушбу тадқиқотчилар бунга сабаб қилиб атмосфера таркибида карбонат ангидрид миқдорининг ортишини –

глобал исиш жараёни кечишини мисол қилиб келтиришмоқда. Маълумки, глобал исиш жараёнига сўнгги 50 йил давомида атмосферага ажралаётган углеродли бирикмалар миқдорининг 4 баробар ортиб кетгани сабаб бўлди ва ушбу жараён ҳали ҳам давом этмоқда.

Орол денгизи худудидан чанг-тўзон билан кўтариладиган тузларнинг музли тоғларгача етиб бориши, 2019 йил ёзида содир бўлган аномал иссиқ ҳарорат, шу йилда ёғингарчиликларнинг кам бўлиши, барчаси биргаликда музли тоғлардаги музларнинг эриши ҳисобига селлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар сонининг ортишига, бундай селларнинг кутилмаган пайтда - ёзнинг ўртасида содир бўлишига олиб келиши мумкин.

Қурғоқчиликнинг серёғин йил билан алмашинуви тоғ ва тоғ олди худудларида тупроқ қатламининг юмшашига, юмшаган тупроқ қатламга зилзилаларнинг таъсири оқибатида йирик кўчкилар келиб чиқиши, табиий офатлар кўшимча равишда ёнғин, портлаш, аварияларга сабабчи бўлиши мумкин.

Республикамизнинг деярли барча худудларида сув тошқинлари кузатилиб келинади. Келажакда юқорида келтирилган глобал ўзгаришлар ҳисобига сув тошқинлар миқдори ҳам ортиб кетиши мумкин [6].

4. Экологик, биологик-ижтимоий характерга эга бўлган фавқулодда вазиятлар.

21 асда ОИТС кенг тарқалишидан ташқари янги эпидемиялар юзага келиш эҳтимоли ҳам мавжуд. Олимларнинг фикрича ошқозон ичак тизимида инфекция билан боғлиқ бирор касаллик юзага келганида унинг



охиригача даволанмаганлиги оқибатида касаллик кўзғатувчисининг дори воситаларига чидамли бўлган янги тури юзага келиши мумкин. Бундай вазият ҳозирги кунда Ҳиндистонда кузатилмоқда. Касалликни охиригача даволаш имкони мавжуд бўлмаган аҳоли қатлами Ҳиндистонда кўпчиликти ташкил қилиши сабабли бу ерда дори воситаларига чидамли бўлган янги касаллик кўзғатувчиси пайдо бўлиши мумкин. Глобаллашувнинг ҳозирги босқичида касалликнинг бир давлатдан иккинчи давлатга тарқалиши жуда тез кечади ва ҳеч бир давлат бундай касалликдан ҳимояланишни кафолатлай олмайди.

Ҳар доим долзарб бўлиб турадиган вирусли гепатит касаллиги ҳам келажакда аҳоли саломатлигига хавф солиб туриши мумкин. Бундан ташқари бутун дунёда ўлим кўрсаткичининг юқори бўлишига сабаб бўлувчи кўрсаткичлар, ўз жонига қасд қилиш, алкогольизм оқибатида юзага келадиган ўлим ҳолатлари ҳам башорат қилиниши лозим.

5. Кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар билан боғлиқ фавқулодда

вазиятлар. Маълумки, кимё саноати ҳар бир мамлакатда муҳим ўрин тутди. Мамлакатимиз саноати ривожланиб боргани сари ҳар хил турдаги кимёвий моддалардан фойдаланиш ва уларни ишлаб чиқариш миқдори ошиб боради. Аҳоли сони ортиб бораётган ва зичлашаётган бир шароитда фавқулодда вазиятлар башоратида кимёвий моддалар билан боғлиқ аварияларнинг ўрни ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда республикамизда барча турдаги фавқулодда вазиятлар сони борган сари ортиб бориши мумкин. Ушбу ҳолат фавқулодда вазиятларни башоратлаш тизимини такомиллаштиришни, бу борадаги хорижий илғор тажрибалар, масалан, башоратлаш тизимига геоахборот тизимларини жорий этишни, янги турдаги фавқулодда вазиятлар – электр майдон, магнит майдон [7] билан боғлиқ, турли хил касалликлар тарқалиши билан боғлиқ фавқулодда вазиятларни башоратлаш тизимларини йўлга қўйишни талаб этади.

References:

1. Гончарик Е.В. Прогнозирование чрезвычайных ситуаций исследуемого объекта и оценка возможных последствий. Наука и техника № 3 2014г.
2. Горбунов С.В., Макиев Ю.Д., Малышев В.П. Мониторинг и прогнозирование чрезвычайных ситуаций. Технологии гражданской безопасности № 1 (31) 2012г.
3. Вакарёв А.А. Прогнозирование последствий чрезвычайных ситуаций в современной России Научные ведомости № 7 (62) 2009г.
4. Петрищев В.Е. Борьба с терроризмом в условиях развития высоких технологий <https://cyberleninka.ru/article/v/borba-s-terrorizmom-v-usloviyah-razvitiya-vysokih-tehnologiy>
5. Эрматова С.М., Муродова У.Д. Хасанова Б.Ж. “Техногенная опасность, источники и факторы” <https://cyberleninka.ru/article/n/tehnogennaya-opasnost-istochniki-i-factory>).



6. Гульков А.Н. Лапшин В.Д. “Газогидратная технология снижения эмиссии двуокиси углерода в атмосфере земли” <https://cyberleninka.ru/article/n/gazogidratnaya-tehnologiya-snizheniya-emissii-dvuokisi-ugleroda-v-atmosferu-zemli-1>).

7. А.Х. Маламатов, А.В. Шевченко «Экстремальные и чрезвычайные ситуации» Учебное пособие. Нальчик-2012г 192стр.